

## ИЧКИ ИШЛАР ХОДИМЛАРИ ИНТУИТИВ БИЛИШНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛ ВА ВОСИТАЛАРИ

Искандаров Жахонгир Шарипович

Ташкент давлат иқтисодият университети, мустақил тадқиқотчи

**Аннотация:** Мазкур мақолада ички ишлар ходимлари интуитив билишнинг шакллантиришнинг иррационал хусусиятлари очиб берилган. Шунингдек, Ички ишлар ходимларига хос интуиция дунёқараш мазкур соҳани ривожлантиришга доир илмий гипотезани шакллантиришга кенг йўл очади. Ички ишлар ходимлари ижодий фаолиятида тасаввур, фантазия ҳам маълум роль ўйнайди. Ҳозирги вақтда фан фикрлашнинг физиологик асослари гностик (когнитив) функцияларни таъминлайдиган миёна ярим кортексининг ҳиссиётлар каби элементар ақлий жараёнлар учун асос яратадиган соҳалардан иборат.

**Калит сўзлар:** Когнитив, интуиция, ҳулқ-атвор, интуитив, оригинал, симметрия, ижодий қобилият, ижтимоий-маданий, хотира, диққат.

**Аннотация:** В данной статье раскрываются иррациональные особенности формирования интуитивных знаний у сотрудников внутренних дел. Также, Интуиция сотрудников органов внутренних дел открывает широкий путь к формированию научной гипотезы развития этой области.

Воображение и фантазия играют определенную роль в творческой деятельности сотрудников внутренних дел. В настоящее время физиологическую основу научного мышления составляют участки коры головного мозга, обеспечивающие гностические (познавательные) функции и создающие основу для элементарных психических процессов, таких как эмоции.

**Ключевые слова:** познание, интуиция, поведение, интуитивное, оригинальное, симметрия, творческие способности, социокультурные, память, внимание.

**Abstract:** This article reveals the irrational features of the formation of intuitive knowledge of internal affairs officers. Also, The intuition of internal affairs employees opens a wide way to the formation of a scientific hypothesis for the development of this field. Imagination and fantasy play a certain role in the creative work of internal affairs officers. Currently, the physiological basis of scientific thinking consists of areas of the cerebral cortex that provide gnostic (cognitive) functions and create a basis for elementary mental processes such as emotions.

**Key words:** Cognitive, intuition, behavior, intuitive, original, symmetry, creative ability, socio-cultural, memory, attention.

Олий ички ишлар тизими таълим муассасида таълим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган мақсадларга эришиш учун амалга ошириладиган ўзаро боғлиқ ҳаракатлар тизими жамоат тартибини ва хавфсизлигини таъминлашга, давлат манфаатларини ҳимоя қилишга қодир ички ишлар тизими мутахассисларни тайёрлашга қаратилганлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Ички ишлар тизими ўқув юртлари ички ишлар ходимларининг мослаштириш масаласига алоҳида қизиқиш бўлажак мутахассисларнинг давлат мудофаасидаги фаолиятининг ўзига хослиги ва юқори даражадаги ижтимоий аҳамиятига боғлиқ. Шунинг учун ушбу фаолият турли хил илмий соҳаларда (файласуфлар, психологлар, ўқитувчилар, социологлар ва бошқалар) тадқиқотчилар этиборини тортмоқда.

Ижтимоий ва касбий мослашув жараёнини бошқаришнинг асосий вазифаси ҳар қандай шароитда ўқитиш ва ички ишлар ходимлари вазифаларини бажаришга тайёр бўлган, шу билан бирга юқори жанговар тайёргарликни сақлаш, шунингдек жисмоний ва

маънавий-руҳий ноқулайликларни бошдан кечирмайдиган ички ишлар ходимлари шахсини шакллантиришдан иборат. Шунингдек, ижодий тафаккурга эга, умумий қоидалар ва хулқ-атвор меъёрларига бўйсунадиган, юқори иштиёқли, масъулиятли, мулоим, ўз нуқтаи назарини ҳимоя қила оладиган ва шу билан бирга ўз жамоадошлари манфаатларини ҳурмат қилган ҳолда бошқаларни ҳам эшита оладиган ички ишлар ходимларини тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга.

Интуитивлик ижодий-яратувчи онгнинг ўзига хослиги унда инновацион фаолият йўналишининг андозали ҳолатлардан устуворлик қилишида кўзга ташланади; янгилик кўрсатгичи сифатида барқарор амал қилади; эҳтиёж ва мақсаднинг ижодийлиги билан ажралиб туради, табиийки, бунда хулқ-атвор ижодий онг томонидан бошқарилади. Айрим тадқиқотчилар инсонни интуитивлик қобилияти ҳақидаги муаммони ижодкор шахс муаммоси билан айнанлаштиради, оқибатда алоҳида ижобий қобилиятлар эмас, балки муайян мотивация ва руҳий фазилат эгаси бўлган шахслар мавжуд, деган фикрни илгари сурадилар.

Интуитивлик дегани муайян чегарани тарқ этиш демакдир. Бироқ бу ижодга берилган инкорий таърифдир, лекин биринчи ҳолатни кузатганда кўрдикки, бу ижодкор шахс билан руҳан оғриқ инсон хулқ-атворидаги ўхшашликда кўзга ташланади. Шу маънода талантга икки хил нуқтаи назардан ёндашилади: талант – бу ўта даражада соғломлик ёки дарддир. Иккинчи нуқтаи назарни кўпинча италийан олими Ч.Ломброзо номи билан боғлаб изоҳлайдилар. У даҳолик билан савдойилик (безумие) ўртасида бевосита алоқа мавжудлигини ҳеч қачон эътироф этган бўлмаса-да, лекин у келтирган мисолларнинг аксарияти шу гипотезани маъқуллашга хизмат қилади. Унинг ёзишича, барча шайдои, телбанамо кишиларга хос соч оқариш ва тўкилиш, хипча тана, заиф мускуллар ва жинсий фаолият кўпинча буюк мутафаккирларда ҳам учраб туради. У кўзда тутган савдойилик билан бир қаторда мутафаккирлар миясида доимо қон кўтарилиш, бошида кескин ҳарорат ва мускуллар совуқ-лиги, мия касалликларига мойиллик ва очлик ҳамда совуқни сезишга заифлик кўзга ташланиб туради.

Жаҳонда кенг қамровли интеллектуал ҳодиса сифатида интуитив билишни шакллантириш жараёнини ҳар томонлама таҳлил қилиш, табиий ва аниқ фанларни ўқитишда таълим олувчиларни ижодий фикрлашга йўналтириш, таълимнинг компетенциявий талаблари таркибини интуитив фикрлаш даражасига оид меъзонлар, хусусиятлар асосида кенгайтиришга оид илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилиши кузатилади. Глобаллашув ва ахборотлар кўламининг интенсификашуви шароитида замонавий ички ишлар тизими фанлардан оладиган билим ва кўникмаларини танқидий ва ижодий ёндашувга кўра чуқур эгаллашда интуитив билишнинг бирламчи функцияларини тадқиқ этишга қаратилган тадқиқотлар бу ихтисослашган ички ишлар тизими фанларнинг жамиятни хавфсизлигини таъминлашдаги таъсирини ошириш, замонавий ички ишлар тизими техникаларни ишлаб чиқариш билан интеграциясини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратиш долзарб аҳамият касб этмокда.

Интуитив билиш инсоннинг ўз фикрларига тўла эркинлик бериш ва уларни муайян соҳага йўналтиришни тақозо қилади. Буни одатда фикрий эркин боғланиш деб юритадилар. Инсон миясига келган ҳар қандай бемаъни нарсани гапириши мумкин. Лекин фикран эркин боғланиш авваллари психотерапеяда қўлланилган бўлса, эндиликда жамоа ўз олдига қўйган вазифани бажаришда ҳам “ақлий ҳужум” тарзида ишлатилмокда.

“Ақлий ҳужум” технологияси кейинчалик синетик усул билан уйғунлашди. Синетиканинг моҳияти эса нотанишни-таниш, оддийни-ётга айлантиришдан иборат. Бу нарса операцияларнинг қуйидаги тўрт кўриниши орқали самара бериши мумкин:

1.Муаммоли вазиятнинг қандайдир элементи (масалан, механизмнинг қандайдир қисми, машина деталлари)билан ўзни айнанлаштириш;

2. Билим ва амалиётнинг бутунлай бошқа, кўпинча кутилмаган соҳалари-дан ўхшаш ходисалар излаб топиш;

3. Вазифани шакллантиришда поэтик образ ва метафоралардан фойда-ланиш;

4. муаммо эртақдагидай ҳал этилаётганда, табиатнинг асосий қонунлари эътибордан соқит қилинишига ўхшаш фантастик аналогия.

Шахс ижодий маданиятининг юксалиши ижодий тафаккур йўлидаги зид-диятларни бартараф этиш лаёқатини шакллантиришни тақозо қилади. Бу тўсиқлар қуйидагилардан иборат:

-конформизм: бошқаларга ўхшаш бўлиш истаги; инсон бошқалар олдида кулгу бўлиш ёки ўта нодонлигини кўрсатмаслик учун фавқулодда ғояларни эълон қилишдан кўрқади.

-назорат-цензура(айниқса ботиний, ёки ўз-ўзини ўта танқид қилиш); одатда ўз ғояларидан кўрқадиган кишилар ҳеч қачон инноватор бўла олмайди; қобилият билан ўз-ўзини танқид ўртасида қандайдир тенглик бўлиши лозим, бинобарин, ўзининг истеъдодига ортиқча маҳлиё бўлишлик ижодий таназзулга олиб келиши мумкин.

-кўрқинч: омадсиз хаёл ва ташаббус исканжасида қолиб кетишдан ҳадиксираш.

-мослаша олмаслик; бу одатдан ташқари шароитларда фаолият усул-ларини ўзгартиришда танглиқдир.

-янги вазифани амалга ошириш йўллари топишга интилиш; лекин ҳад-дан зиёд юксак мотивацияга берилиш кўпинча нотўғри қарорлар қабул қилига олиб келади.

Танқидий тафаккурга тўсиқ ҳолатларни ҳам эътиборга олиш лозим. Булар қуйидагилар:

-ўта агрессив бўлишлик ҳавфи; маълумки, кўпларимиз ёшлиқдан танқид қилиш кўполик қилиш, деган фикрга ўрганиб қолганмиз;

-қасос олишдан кўрқинч; биз ёт ғояларни танқид қилиб, ўзимизнинг фикрларимизга нисбатан ҳам қарши муносабат уйғотишдан ҳадик оламиз;

-бу кўркув яна бир тўсиқни юзага келтиради: ўз ғояларимизга юқори баҳо бериб, биз ўзимизга ёққанлар билан алоқа қилишдан манфаатдор бўламиз;

-ижодий фантазияга ҳаддан зиёд урғу бериш. Бу нарса танқидий руҳни пасайтиради.

Ўз-ўзича деструктив танқидий кўрсатмалардан кишиларга амалий нафъи тегувчи танқидий тафаккурни фарқлаш лозим. Инсоннинг фақат танқид тан-қид учун шиори йўлидаги интилиши билиш мақсадларини акс эттирмайди, балки психо-эмоционал характерга эгадир.

Янги билимларни келтириб чиқарувчи танқидий тафаккур инноваторнинг тайёргарлик даражаси, унинг янги информацияларни мунтазам қабул қилиш қобилияти, мослашиш эмас, балки ривожланиш, янгиликларни топишга нисбатан психологик йўналиши барқарорлигига боғлиқ бўлади. Шахснинг юксак ахлоқий тарбияси билан бир қаторда унинг ижодий маданияти чинакам гуманистик жамият барпо этишда муҳим маънавий омил бўлиб хизмат қилади. З.Давронов таъкидлаганидек, “Олимликнинг манбаи теварак-атроф, табиат, жамият, инсонлар турмуш тарзи манбаларини ўрганиш, билим олиш, маърифатли бўлиш билан боғлиқ. Олимлик — машаққат”<sup>1</sup>.

Хуллас, ички ишлар ходимлари интуитив билишини шакллантиришда уларнинг яратувчанлик ва танқидий фикрлаш қобилияти даражаси алоҳида ўрин тутади. Бинобарин, ижодий фикр масалани тубдан янгича ҳал этиш маҳсули ҳисобланади. Танқидий фикрлашнинг бу жараёндаги вазифаси эса муайян соҳада қўлланилувчи қарорларнинг бажарилиш сифатини текшириб туришни назарда тутади. Ички ишлар ходимлари

<sup>1</sup> Давронов З. Баркамолликка даъват мактублари. – Тошкент: Iqtisod-moliya, 2011 – Б.116.

интуитив билишни шаклантириш янги ғоялар яратишга йўналтирилади, танқидий тафаккур эса уларнинг камчилиги ва етишмовчиликларини аниқлашга ёрдам беради. Гарчи алоҳида-алоҳида қўлланилса-да, интуитив билишнинг ҳар икки кўриниши ижодий вазифаларни бажариш учун зарур, бинобарин, танқидий тафаккур ижодий фикрлашга кўпинча тўсик ёки ансинча таъсир кўрсатиши ҳам эҳтимолдан йироқ эмас.

#### **Адабиётлар рўйхати:**

- 1.Крупное С.И. Логико-методологический анализ военно-научных знаний: Автореф. дис. ....д-ра филос. наук. - М., 1971. -59 с.
- 2.Клягин С.В. Динамика образов науки в военно-социальных исследованиях. - М.: ВУ, 1998. - С.26-30.
- 3.Егоров А.В. Теория познания и проблема интуиция. Автореф. дис....канд филос. наук. – М.: 1973. – 18 с.
- 4.Тибодо Л. Врожденная интуиция. - М.: Рипол Классик, 2006. - 320 с.
- 5.Иванов А.И. Взаимодействие рационального и иррационального в воинской деятельности: Автореф. дис. ...канд. филос. наук,- М., 1997.-С.16-17.